

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА УШЛАБ ТУРИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АСОСЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Абдуллаев Акмалжон Йўлчибоевич

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки тергов ва
суриштирув кафедраси ўқитувчиси

[ORCID ID 0009-0002-4302-2341](#)

Билолов Аббосбек Билолович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети
таянч докторантура докторанти

Тел: +99899-896-95-25

bilolovabbosbek@gmail.com

[ORCID ID 0009-0003-0941-4015](#)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13837007>

Аннотация. Мақолада процессуал мажбурлов чораларидан бири сифатида ушлаб туришнинг расмийлаштирилиши ва унинг асосларини текшириш ёритилган. Ушлаб туришнинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган мақсади, жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаси олим ва мутахассисларининг ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасига нисбатан қараишлари таҳлил қилиниб, улар асосида социологик сўровлар ўтказилиб, натижалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси амалиёт ходимлари томонидан нотўғри қўлланилиши танқид қилинган.

Калим сўзлар: ушлаб туриш, ушлаб туриш мақсади, процессуал мажбурлов, жиноят, жиноятларни олдини олиш, ҳуқуқ, гумон қилинувчи.

FORMALIZATION OF DETENTION IN THE CRIMINAL PROCESS AND EXAMINATION OF ITS BASES

Abstract. The article describes the formalization of detention as one of the measures of procedural coercion and the examination of its grounds. The purpose of detention defined in the criminal procedural law, the views of scientists and experts in the field of criminal procedural law regarding the measure of procedural coercion of detention were analyzed, sociological surveys were conducted based on them, and the results were analyzed. At the same time, the procedural coercion of detention has been criticized for being misused by practitioners.

Key words: detention, purpose of detention, procedural coercion, crime, crime prevention, law, suspect.

ФОРМАЛИЗАЦИЯ ЗАДЕРЖАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ И ПРОВЕРКА ЕЕ

ОСНОВАНИЙ

Аннотация. В статье рассмотрено оформление содержания под стражей как одна из мер процессуального принуждения и проверка его оснований. Проанализированы цель задержания, определенная в уголовно-процессуальном законе, мнения ученых и специалистов в области уголовно-процессуального права относительно меры процессуального принуждения к задержанию, на их основе проведены социологические опросы, проанализированы результаты. В то же время процессуальное принуждение к задержанию подвергается критике за злоупотребление практиками.

Ключевые слова: задержание, цель задержания, процессуальное принуждение, преступление, профилактика преступлений, закон, подозреваемый.

Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш, унинг эркинлигини чеклаб қўйиш билан боғлиқ эканлиги, ўз навбатида, уни қўллашнинг ҳар бир босқичини процессуал жиҳатдан аниқ ва тўғри расмийлаштиришни тақозо қилади. Бу орқали, бир томондан,

жиноят-процессуал қонунчилигининг қонунийлик, гумон қилинувчини ҳимояланиш, процессуал ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби принциплари таъминланса, иккинчи томондан, ушлаб туришни қўлаган масъул субъект ушлаб туришни расмийлаштиришга алоҳида масъулият билан ёндашади.

Маълумки, жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасида ушлаб туриш баённомасини тузишга доир процессуал қоидалар қайд қилинган. Мазкур моддага мувофиқ, ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол тузиши, унда баённома тузилган жой ва вақтни; ушбу шахснинг кимлиги, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатларда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушланганлигини; ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлигини; ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга қайси вақтда олиб келинганлигини; шахсий тинтув қилиш ва олиб қўйиш натижаларини (улар ўтказилган бўлса); ушлашнинг видеоёзув орқали қайд этилганлиги (у ўтказилган бўлса), ушланган шахснинг видеоёзув материаллари билан танишганлиги, шунингдек шахсни ушлаш вақтида фойдаланилган

воситаларнинг техник хусусиятларини кўрсатиши шарт¹. Соҳа олимларидан Н.Хайриев ушбу масалада, ушланган шахс ички ишлар органларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилгандан сўнг унга нисбатан ушлаб туриш баённомаси дарҳол тузилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратган². Муаллифнинг фикрига, биринчидан, ушлаб туришни процессуал жиҳатдан ўз вақтида процессуал жиҳатдан расмийлаштириш орқали мустаҳкамлаш, иккинчидан, ушлаб туришга оид процессуал нормаларга тўлиқ риоя қилинганлигини асослаш нуқтаи-назаридан қўшиламиз.

Тадқиқот давомида ушлаб туришни расмийлаштиришга доир ўрганилган назарий ёндашувлар ҳамда амалий жараёнлар ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини расмийлаштиришга оид турли қарашлар мавжуд эканлигини, унинг ягона, умумқабул қилинган шакли мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Гарчи жиноят-процессуал қонунчилигида ушлаб туриш баённомасини тузиш тартиби суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ушлаб туриш қарорига оид қоидалар аниқ белгилаб қўйилган бўлсада, уларни процессуал расмийлаштиришда ўзига хос фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаси олимларидан Б.А.Саидов ўз илмий ишларида ҳозирги вақтда ишни судга қадар юритиш амалиётида юритилаётган шахсни ушлаб туришга доир процессуал ҳужжатларда ушлаб туриш асосларининг мазмуни ва моҳияти тўлиқ очиб берилмаётганига эътибор қаратиб, шахсни ушлаб туриш асосларининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган ушлаб туриш баённомасининг махсус процессуал шаклини илгари сурган³. Тадқиқотимиз давомида масъул субъектлар томонидан расмийлаштирилган ушлаб туриш баённомалари (200 дан ортиқ) ўрганилганда баённоманинг ушлаб туриш асосларига оид қисми гумон қилинувчини ушлаш асосларини ўзида тўлиқ ифодаламаслиги маълум бўлди. Бизнингча, ушлаб туриш баённомаси жиноят иши доирасида тузиладиган дастлабки процессуал ҳужжатлардан бири эканлиги, гумон қилинувчини ҳимояланиш, процессуал ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи айнан мазкур процессуал ҳужжатдан бошланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ушлаб туриш баённомасида ушлаб туриш асосларининг мазмуни кенгрок ёритилиши мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллифнинг фикрларига қўшиламиз.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.

² Хайриев Н.И. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш / юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.:2019. Б.-27.

³ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш / Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.:2020. Б.17.

Муаллифлардан С.Б.Россинский ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини расмийлаштириш, яъни ушлаб туриш баённомасининг тузилишини жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасида давлат ва шахс ўртасида жиноят-процессуал муносабат юзага келиши сифатида изоҳлаган⁴. Албатта, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят процесси иштирокчилари, айни вақтда, жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасида давлат вазифаларини бажаришга масъул идоралар ҳамда ушбу йўналишда ҳуқуқий таъсир этиш субъектлари сифатида жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш ҳамда унга нисбатан муайян процессуал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга. Мазкур субъектлар томонидан гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ҳамда ушлаб туриш баённомасини тузиш жиноят процессининг икки субъектлари, яъни жиноят процессини юритишга масъул бўлган субъектлар ҳамда жиноят процессида ўз манфаатини ҳимоя қилувчи субъектлар ўртасида расмий процессуал муносабатлар юзага келганлигини англатади. Ушбу масалада соҳа олимларидан Д.М.Миразов, Б.Н.Рашидов, Ш.А.Кулматовлар жиноят-процессуал фаолият, аввало, давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланадиган фаолият сифатида амалга оширилишини, ушбу мажбурлов тегишли процессуал мажбурлов чораларида ўз ифодасини топишини, шу боис жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига жиноят процесси вазифаларини муваффақиятли ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида турли мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ кенг процессуал ваколатлар берилганлигини қайд этиб ўтишган⁵.

Соҳа мутахассисларидан О.Шульганинг таъкидлашича, ушлаб туриш баённомаси жиноий иш юритишни таъминлаш бўйича тегишли чора қўлланилганлик ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжат сифатида далилий аҳамиятга эга бўлиб, ундаги маълумотлар жиноят процессида далил сифатида ишлатилиши мумкин⁶. Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда, ушлаб туриш баённомасининг тузилишида процессуал қоидаларга тўлиқ риоя қилиш ҳамда баённомада шахснинг гумон қилинувчи сифатида ушланганлиги асосларини, мазмун-моҳиятини кенгрок ёритилишини зарур деб ҳисоблаймиз.

Муаллифлардан В.Ю.Мельниковнинг ушлаб туриш баённомасига оид ёндашуви ҳам унинг аҳамиятини муайян даражада очиқ беради. Унинг қайд этишича, ушлаб туриш конунда белгиланган мақсадларга эришишни назарда тутган ҳолда унинг асосларини

⁴ Россинский С.Б. Протокол – лишнее звено в механизме задержания лица по подозрению в совершении преступления / Актуальные проблемы российского права. 2018. № 12 (97) декабрь. Стр.150-151.

⁵ Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // Д.М.Миразов, Б.Н.Рашидов, Ш.А.Кулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.-147.

⁶ Шульга О. Процессуальное оформление задержания лица, подозреваемого в совершении преступления / Лега си виата, 2014, май. Стр. -176-177.

аниқлаш ва уларни ҳар томонлама таҳлил қилишдан бошланади. Бундай ҳолатда олинган фактик маълумотлар нафақат аниқланиши, балки қонунда белгиланган процессуал шаклда - гумон қилинувчини ушлаб туриш баённомасида ҳам қайд этилиши керак⁷. С.Д.Ферзилаеванинг фикрича, ушлаб туриш баённомаси процессуал ҳужжат бўлиб ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси қўлланилганлик ҳолатини тасдиқловчи маълумотлар қайд этилганлигига кўра далил сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолади, шу сабабли айтилган вақтда ушлаб туриш баённомасида қайд этилган маълумотлар жиноят ишига алоқадор, муҳим ва тўғри расмийлаштирилган бўлиши керак⁸.

Ҳар икки муаллиф ҳам ушлаб туриш баённомасининг жиноят иши материалларидаги ўрни ва процессуал аҳамиятини айрим жиҳатларига эътибор қаратган. Бизнингча, ушлаб туриш баённомасини гумон қилинувчининг жиноятга алоқадорлик фактларини аниқлашга киришишга ундайдиган дастлабки процессуал ҳужжат сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш баённомасининг тузилиши, ўз навбатида, жиноят процессининг бир қатор иштирокчиларини процессуал жараёнларга расмий ва фаол киришиб кетишига олиб келади.

Республикамиз жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, ушлаб туришни расмийлаштиришнинг яна бир процессуал шакли бу ушлаб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳисобланади. Жиноят-процессуал кодексининг 220-моддаси 2-қисмига мувофиқ ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Кейинги ҳолатда ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади⁹.

Гумон қилинувчи шахсни ушлаб туриш тўғрисидаги қарор уни ушлаб туриш баённомасига нисбатан муҳимроқ процессуал ҳужжат ҳисобланади. Ушлаб туриш баённомасини ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими ҳам тузиши мумкин бўлса, ушлаб туриш тўғрисидаги қарор фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ваколати доирасига киради. Бундан ташқари, ушлаб туриш тўғрисидаги қарорда гумон қилинувчи шахснинг ушлаб турилиши асослари нисбатан аниқ баён қилинади. Жиноят ишини юритиш суриштирув органи,

⁷ Мельников В.Ю. Процессуальное оформление задержания заподозренного лица и его допрос / <https://www.lawmix.ru/comm/3652>

⁸ Ферзилаева С.Д. Задержание подозреваемого в уголовном процессе / Государственная служба и кадры. №2 / 2020. Стр.-164.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.

терговчи, прокурор ва суд қабул қиладиган турли хил процессуал қарорлар ва уларга мувофиқ равишда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлардан ташкил топади. Ушбу қарор ва ҳаракатлар у ёки бу тарзда жиноят процессининг у ёки бу иштирокчисининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлади. Ушбу қарорларга хос жиҳат шундан иборатки, улар баъзан жиддий хусусиятга эга бўлган муайян чекловлар билан боғлиқ бўлиши мумкин¹⁰.

Гумон қилинувчи шахсни ушлаб туриш тўғрисидаги қарор хусусида жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаси олимларидан А.Х.Раҳмонкулов, Д.М.Миразов, А.О.Шарофутдиновлар куйидагиларни баён қилишган, яъни жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, суриштирувчи

ва терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади. Қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, бу жиноят Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилгани, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор кўрсатилиши керак¹¹.

Соҳа олимлари томонидан қайд этилган фикрлар ҳам ушлаб туриш тўғрисидаги қарорни процессуал ҳужжатлардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бизнингча, гумон қилинувчини ушлаб туриш тўғрисидаги қарор, ўз навбатида, мазкур ҳужжатда гумон қилинувчига нисбатан айб эълон қилиш учун дастлабки хулосалар, дастлабки тўхтамлар ифодаланишини билан ҳам характерланади.

Тадқиқот давомида ушлаб туриш процессуал мажбурият чорасини қўллаш юзасидан чиқарилган процессуал қарорларнинг тузилиши, уларнинг матнлари ҳам тадқиқ қилинди. Ўрганилган қарорларда (икки юздан ортиқ) ушлаб туриш қарорига оид процессуал нормалар қўлланилиши ва ушлаб туриш қарорининг расмийлаштирилишида муайян даражада фарқлар мавжудлиги намоён бўлмоқда. Мисол тариқасида ушлаб туриш тўғрисидаги қарорларда процессуал ҳужжатларга хос бўлмаган жумлалар ҳам қўлланилган. Масалан, "...уни ушлаб қўйиш лозим бўлади", "уни ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир",

¹⁰ Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // Д.М.Миразов, Б.Н.Рашидов, Ш.А.Кулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.-147.

¹¹ Дастлабки тергов: ИИВ Академияси учун дарслик: қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашр / А. Х. Раҳмонкулов, Д. М. Миразов, А. О. Шарофутдинов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.-332-333.

“уни қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш лозим” каби.

Эътиборли масалалардан бири, ўзбек тилимизда “ушламоқ” ҳамда “ушлаб турмоқ” феъллари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ушлаб туриш тўғрисидаги қарорларда “ушлансин”, “ушлаб турилсин” шаклда қарорлар қабул қилинган. Мазкур ўринда, албатта, ушлаб туриш тўғрисидаги процессуал қарорларда “ушлаш” эмас, аксинча “ушлаб туриш”га доир феъл қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Ушлаб туриш тўғрисидаги қарорларда кузатилган яна бир ва айтилиши вақтда муҳим фарқли жиҳатлардан бири шундаки, айрим қарорларда қарор якунида гумон қилинувчига унинг жиноят-процессуал кодексининг 48-моддасида қайд қилинган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги қайд қилинган бўлса, бошқа қарорларда бундай қисмлар мавжуд эмас.

Процессуал ҳужжатлардан намуналар алоҳида китоб шаклида нашр қилинган бўлсада¹², бироқ барча масъул ходимлар ҳам ундан тўлиқ фойдаланмаслиги маълум бўлмоқда. Бундан ташқари мазкур нашр жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган кейинги йиллардаги муҳим ўзгаришларни назарда тутмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, ушлаб туриш тўғрисидаги қарор юзасидан намунавий шакл ишлаб чиқирилиши, амалиётга жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув, ўз навбатида, жиноят-процессуал кодексининг тегишли нормаларини бир хилда талқин қилиш ва қўллаш имконини беради.

Тадиқот давомида мазкур масалада респондентлар билан ўтказилган сўровнома натижасига кўра “Ушлаб туришни расмийлаштиришга доир ҳужжатлар учун ягона намунавий шакл жорий қилиш ҳақидаги фикрингиз” деб сўралганида, респондентларнинг 71 фоизи “ҳа, ижобий баҳолайман”,-деб жавоб беришган. 10 фоиз респондент “йўқ, зарурат йўқ” деб жавоб берган бўлса, уларнинг 19 фоизи “намунавий процессуал ҳужжат қонунни бир хил қўллаш ва талқин қилишга ёрдам беради”,- деб жавоб беришган. Респондентларнинг фикрларини жамлайдиган бўлсак, уларнинг 90 фоизи ушлаб туришга доир процессуал ҳужжатлар бўйича намунавий шакл ишлаб чиқирилиши ва амалиётга жорий қилинишини мақсадга мувофиқ ҳисоблашган ва ижобий баҳолашган.

Маълумки, жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси 3-қисмида ушлаб туриш асосларини текширишга оид процессуал қоида белгиланган. Унга кўра “...ушлаб туришнинг

¹² З.Ф.Иноғомжонова, У.А.Абдурахмонов. Жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар. 2019. ТСУЛ.

асосли эканлигини текшириш, хужжатларни талаб қилиш ва кўздан кечириш ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай ўтказилиши лозим¹³. Соҳа олимларидан Н.Хайриев ҳам ўз илмий ишларида ушлаб туришнинг асосли эканлиги шахс ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб тезликда, яъни *йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай* ўтказилиши, агар шахсни ушлаб туришга асос бўлмаган тақдирда, ички ишлар органи бўлинмасининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс ушланганни озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва қарорнинг нусхаси *дарҳол* прокурорга юборилиши лозимлигини қайд этган¹⁴.

Ушлаб туриш асосларини текшириш учун белгиланган процессуал вақт жуда қисқа эканлиги суриштирувчи, терговчи прокурордан гумон қилинувчини ушлашга сабаб бўлган жиноят иши бўйича далилларни тезда тўплаш, воқеа жойини кўздан кечириш, гумон қилинувчини сўроқ қилиш ҳамда 24 соат давомида ўтказилган процессуал ҳаракатлар натижасига кўра дастлабки ва тўғри хулосага келишни талаб қилади.

Тадқиқот давомида мазкур масалада махсус анкета саволномаси ҳам ўтказилиб, унда “Ушлаб туришнинг амалдаги процессуал муддати ушлаб туриш асосларини текшириш учун етарли ҳисобланадими” деб сўралганида, респондентларнинг 24 фоизи “ҳа, етарли ҳисобланади”,-деб жавоб беришган. 64 фоиз респондент “йўқ, етарли эмас” деб жавоб берган бўлса, уларнинг 12 фоизи “етарли, бироқ ортиқча юкламаларни келтириб чиқаради”,- деб жавоб беришган. Респондентларнинг фикрлари муайян мулоҳазаларни илгари суришга туртки бўлади. Биринчидан, процессуал мақоми гумон қилинувчи бўлган ушланган шахсни айбсизлик презумпцияси, бундан ташқари мавжуд далиллар уни гумон қилинувчи сифатидагина ушлашга асос бўлиши нуқтаи-назарларидан ушланган шахсни 48 соатдан кўп муддатда ушлаб туриш мақсадга мувофиқ эмас. Иккинчи томондан, жиноят-процессуал қонунчилигида қайд қилинган ушлаб туриш асосларининг ҳар бири ушланган гумон қилинувчининг жиноятга дахлдор эканлигини намоён қилиб туради.

Ушлаб туришнинг амалдаги процессуал муддати республикамізда инсонпарварлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устувор эканлигига асосланади. Мазкур процессуал муддатга оид қоидага тўлиқ қўшилган ҳолда, ушлаб туриш асосларини текширишга оид айрим жиҳатларга эътибор қаратамиз. Бизнингча, мазкур жараёнда суриштирувчи, терговчи,

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.

¹⁴ Хайриев Н.И. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш / юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.:2019. Б.-28.

прокурор жиноят иши бўйича ушлаб туриш асосларини текшириш давомида ушланган шахснинг ўзини тутиши, шахсий ва психологик томонларига ҳам эътиборни кучайтириши мақсадга мувофиқ. Масалан, жиноят содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларнинг ўзига хос психологик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу шахс, унинг иродаси, ирода эркинлиги билан боғлиқ бўлади.

Маълумки, инсон атрофида кечаётган ҳодисалар, жараёнлар унга таъсир этади, айтилиши вақтда бундай ҳодиса ва жараёнларга унинг ўзи ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Албатта, бундай вазият ҳар икки ҳолат ўртасидаги сабабий боғлиқликка асосланади. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноятнинг сабаб ва шароитлари инсон психологияси ва онгига таъсир кўрсатиб, унда ғайриижтимоий қарашларни, ҳулқ-атворни шакллантиради ёки уларни озиклантиради, кучайтиради. Психология фани олимларидан Р.Душановнинг таъкидлашича, жиноятчи шахснинг ички дунёсини англаш учун унинг ҳаётда тутган ўрни, атроф-муҳитдаги воқеълик, инсонлар, жамият, давлат, қонун, меҳнат ва ҳоказоларга муносабатини билиш лозим. Чунки ҳар қандай жиноий фаолият кўп жиҳатдан жиноят содир этган шахснинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларига узвий боғлиқ. Вазият ўз-ўзича жиноятни келтириб чиқара олмайди, у фақат ғайриижтимоий феълга эга бўлган шахснинг муайян қарашлари ва мақсадларини амалга ошириши учун мос бўлиши мумкин, холос¹⁵.

Таъкидлаш жоизки, жамият ривожланишининг барча босқичларида ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларни келтириб чиқарадиган объектив ва субъектив сабаб ва шароитлар мавжуд бўлиб, улар турли даражада бўлади. Ҳар қандай муайян жиноят содир қилиниши асосида ётган ижтимоий-психологик ҳодисалар, яъни ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, кўникмалар, ниятлар, ҳулқ-атвор субъектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Шахсдан ташқарида бўлган ва унинг психологиясига таъсир қилиб, унда ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, ҳулқ-атворни шакллантирадиган, уни мустаҳкамлайдиган ҳодиса, воқеа, жараёнлар эса объектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Тадқиқотчилар Р.Раҳманов ва Ш.Рашидовлар ҳам кўпгина ҳолларда шахсни ўраб турган ижтимоий муҳитдаги мавжуд объектив омиллар унинг ҳуқуқбузарликлар ва бошқа турдаги салбий ҳолатларнинг қурбонига айланишига, яъни жиноят содир бўлишига олиб келишини қайд этишган¹⁶.

¹⁵ Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма / - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. -Б. 15.

¹⁶ Раҳманов Р.Н., Рашидов Ш.Р. Шахсларнинг жиноятлардан жабрланишига олиб келувчи виктимологик омиллар // XXI аср илм-фани: муаммо ва истикбол: Республика илмий амалий конференцияси материаллари (2019 йил 25 апрель) / Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.- 235.

Ушлаб туриш асосларини текширишда гумон қилинувчининг руҳиятига, шахсиятига бу каби махсус билимлар асосида баҳо бериш, албатта муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида баён қилинган ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини расмийлаштиришга оид процессуал норма ҳамда олим ва мутахассисларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, жиноят-процессуал қонунчилигига қуйидаги муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш юзасидан муаллифлик таклифларини илгари сурамиз.

1. Тадқиқот давомида ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини расмийлаштиришга доир процессуал нормалар тадқиқ қилинганида, жиноят-процессуал қонунчилигида ушланган гумон қилинувчига нисбатан шахсий тинтув ўтказиш шарт деб белгилаб қўйилмаганлиги маълум бўлди. Жиноят-процессуал кодексининг 224-моддаси 2-қисмига мувофиқ "...ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув ёки олиб қўйишни амалга оширишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳозирлигида тузилиши мумкин",- деб белгиланган. Бизнингча, ушланган гумон қилинувчи шахсни шахсий тинтув қилиш ва шахсий тинтув баённомаси тузиш орқали расмийлаштириш жиноят-процессуал қонунчилигида тавсиявий характерга эмас, балки мажбурий норма сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Биринчидан, гумон қилинувчини шахсий тинтув қилиш орқали унинг ёнида жиноятга алоқадор ашёвий далиллар аниқланиши мумкин, ўз вақтида шахсий тинтув қилинмаслик эса гумон қилинувчи томонидан жиноят ишида далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумот ва ашёларни йўқ қилинишига олиб келади; иккинчидан, ушланган гумон қилинувчи ўз ёнидаги ўткир, тўғри ёхуд ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган ашёлар билан ўз жонига қасд қилиши эҳтимоли мавжудлиги инобатга олинishi керак; учинчидан, ҳолислар иштирокидаги шахсий тинтув бўлғусида гумон қилинувчи томонидан масъул ходимларга нисбатан турли тўхмат ва айбловларни олдини олишга ҳам хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, жиноят-процессуал кодексининг 224-моддасида қайд этилган шахсий тинтув ўтказишга доир процессуал нормага мажбурий тус бериш, яъни ушланган гумон қилинувчига нисбатан шахсий тинтув ўтказиш шарт, - деб белгилаш таклифини илгари сурамиз.

2. Маълумки, ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини расмийлаштириш жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасига мувофиқ, ушлаб туриш баённомаси орқали амалга оширилади. Мазкур модда "ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг

асослилигини текшириш” деб номланган. Ушбу модда таҳлил қилинганида унинг матнида икки алоҳида процессуал жараёнлар баён қилинганлигини кўришимиз мумкин, яъни улардан бири ушлаб туриш баённомасини тузиш, иккинчиси ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш. Бизнингча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган талабларга мувофиқ, жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси (ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш) иккита алоҳида процессуал норма сифатида қайд этилиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 1-илоvasи 22-бандида “...ҳар бир модда ва банд, қоида тариқасида, битта ҳуқуқий нормани ўз ичига олиши ҳамда тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак”¹⁷, - деб белгиланган.

Процессуал жиҳатдан баҳоланганида ушлаб туриш баённомаси масъул ходим томонидан тузилиши ҳамда холислар, гумон қилинувчилар томонидан имзоланганидан кейин тугалланган ҳисобланади. Кейинги ўтказиладиган ушлаб туришнинг асосли эканлигини текширишга доир процессуал ҳаракатлар алоҳида мазмун-моҳиятга эга ҳамда алоҳида процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни талаб қилади. Масалан, гумон қилинувчини сўроқ қилиш гумон қилинувчини сўроқ қилиш баённомаси орқали расмийлаштирилади ҳамда мазкур хатти-ҳаракат тергов ҳаракатларидан бири сифатида баҳоланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасини “225-модда. Ушлаб туриш баённомасини тузиш”, “225¹-модда. Ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш” деб белгилаш ва шу мазмунда жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартириш юзасидан муаллифлик таклифини илгари сураамиз.

3. Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси 1-қисмида “...ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол тузиши керак”, - деб белгиланган. Мазкур процессуал норма ўз ўрнида муайян даражада бахс-мунозараларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ушлаб туриш баённомасини навбатчи ходим томонидан тузилиши ушбу ходим гумон қилинувчини ушлаш сабаблари ва асосларини, ушланиш вақти ва жойини ва бошқа тегишли маълумотларни тўлиқ билмаслиги нуктаи-

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон. <https://lex.uz/docs/5378966>

назаридан маълум даражада процессуал хатоликларга олиб келиши мумкин. Айни вақтда, ушлаб туриш баённомасини тузишда иштирок этаётган холисларнинг ҳам бундай зарур маълумотларга эга эмаслиги ушлаб туришни процессуал расмийлаштириш ва баённома тузишда процессуал талабларга тўлиқ риоя қилинмаслигини келтириб чиқаради.

Мазкур ҳолатда, бизнингча, жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси биринчи қисмига “ушлаб туриш баённомаси гумон қилинувчини ушлаб келган масъул ходим ёки ушлаб келган бошқа шахс иштирокида дарҳол тузилиши керак”лиги белгилаб қўйилиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, гумон қилинувчини ушлаб туриш баённомасини тузишнинг барча процессуал талабларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси 1-қисмини қуйидагича баён қилишни таклиф қиламиз: “...ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан гумон қилинувчини ушлаб келган шахс иштирокида дарҳол тузиши керак”

Хулоса ўрнида қуйидагиларни қайд этиб ўтаемиз:

- жиноят процессини юритишга масъул бўлган субъектлар томонидан гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ҳамда ушлаб туриш баённомасини тузиш жиноят процессининг икки субъектлари, яъни жиноят процессини юритишга масъул бўлган субъектлар ҳамда жиноят процессида ўз манфаатини ҳимоя қилувчи субъектлар ўртасида расмий процессуал муносабатлар юзага келганлигини англатади;

- ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини расмийлаштиришда (баённома ва қарор) процессуал норма талабларига тўлиқ риоя қилиш, процессуал нормаларни тўғри талқин қилиш ҳамда уларни қўллашда бир хил ёндашув муҳим аҳамиятга эга, шу нуқтаи-назардан мазкур процессуал ҳужжатларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ;

- ушлаб туришни расмийлаштириш ва унинг асосларини текширишга оид процессуал нормани такомиллаштириш юзасидан илгари сурилган таклифлар, ўз навбатида, мазкур нормаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган умумий талабларга мослаштирилишида, ушлаб туришни расмийлаштиришдаги айрим хатоликларни бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.
2. Хайриев Н.И. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш / юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.:2019. Б.-27.
3. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш / Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.:2020. Б.17.
4. Россинский С.Б. Протокол – лишнее звено в механизме задержания лица по подозрению в совершении преступления / Актуальные проблемы российского права. 2018. № 12 (97) декабрь. Стр.-150-151.
5. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // Д.М.Миразов, Б.Н.Рашидов, Ш.А.Кулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.-147.
6. Шульга О. Процессуальное оформление задержания лица, подозреваемого в совершении преступления / Лега си виата, 2014, май. Стр. -176-177.
7. Мельников В.Ю. Процессуальное оформление задержания заподозренного лица и его допрос / <https://www.lawmix.ru/comm/3652>
8. Ферзилаева С.Д. Задержание подозреваемого в уголовном процессе / Государственная служба и кадры. №2 / 2020. Стр.-164.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.
10. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // Д.М.Миразов, Б.Н.Рашидов, Ш.А.Кулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.-147.
11. Дастлабки тергов: ИИВ Академияси учун дарслик: қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашр / А. Х. Раҳмонкулов, Д. М. Миразов, А. О. Шарафутдинов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.-332-333.
12. З.Ф.Иноғомжонова, У.А.Абдурахмонов. Жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар. 2019. ТСУЛ.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.
14. Хайриев Н.И. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш / юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.:2019. Б.-28.
15. Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма / - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. -Б. 15.

16. Рахманов Р.Н., Рашидов Ш.Р. Шахсларнинг жиноятлардан жабрланишига олиб келувчи виктимологик омиллар // XXI аср илм-фани: муаммо ва истикбол: Республика илмий амалий конференцияси материаллари (2019 йил 25 апрель) / Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.- 235.
17. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон.
<https://lex.uz/docs/5378966>